

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ
ТОМОНИДАН

«03» «09» «2020» йил куни

№ 1188 сон билан кайта

«РЎЙХАТГА ОЛИНДИ»

«FARGONA HUDUDIIY
ELEKTR TARMOQLARI KORHONASI»
aksiyadorlik jamiyati акциядорларининг
2020 йил «29» июль кунги
№2/20 сонли акциядорларнинг умумий
йиғилиши қарори билан

«ТАСДИКЛАНДИ»



**«FARGONA HUDUDIIY
ELEKTR TARMOQLARI
KORHONASI»
aksiyadorlik jamiyati
УСТАВИ**

2020 йил

1- МОДДА

ЖАМИЯТНИНГ НОМИ, ЖОЙЛАШГАН МАНЗИЛИ, ФАОЛИЯТ МУДДАТИ.

1.1 “FARGONA HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI KORHONASI” aksiyadorlik jamiyati (бундан буён матнда кискача жамият деб аталувчи) мазкур Устави Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги, «Мулкчилик тўғрисида»ги Қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Акциядорлик жамиятларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 1998 йил 22 августдаги 361-сонли ҳамда 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли ва 2009 йил 22 декабрдаги 323-сонли Қарорлари билан киритилган узгартиришлар ва бошқа Қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. “FARGONA ELEKTR TARMOQLARI” шўба корхонаси Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб қувватлаш Қўмитаси Фарғона вилоят бошқармасининг 2002 йил 08 июлдаги №8406/032-2 сонли буйруғига асосан «FARGONA ELEKTR TARMOQLARI» ОАЖ айлантирилган ва Ўзбекистон Республикасининг 30.09.2009й №225 сонли “Электр энергетикаси тўғрисида” ги қонунига асосан “FARGONA ELEKTR TARMOQLARI HUDUDIY KORHONASI” ОАЖ номига ўзгартирилган. Акциядорлар умумий йиғилишининг 30.06.2014 йилдаги қарорига асосан “FARGONA HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI KORHONASI” aksiyadorlik jamiyati га айлантирилган.

1.3. Жамият ўз фаолиятида ушбу Устав ва Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига амал қилади.

1.4. Ушбу Устав, Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга (кейинги ўринларда «Қонун») ва амалдаги Қонунчилигига асосланиб тайёрланган.

1.5. Жамиятнинг номланиши:

1.5.1. Тўлиқ номи:

- Ўзбек тилида (лотин ёзувида) - “FARGONA HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI KORHONASI” aksiyadorlik jamiyati;
- Рус тилида - Акционерное общество “Ферганское предприятие территориальных электрических сетей”;
- Кирилл ёзувида - “Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти.

1.5.2. Қисқартирилган номи:

- Ўзбек тилида (лотин ёзувида) - “FARGONA HETK” AJ;
- Рус тилида - АО “Ферганское ПТЭС”.
- Кирилл ёзувида - “Фарғона ХЭТК” АЖ.

1.6. Жамиятнинг юридик, почта ва электрон почта манзили:

Жамиятнинг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Тошлок тумани, Заркент МФЙ, Янгийул кишлоғи, А.Навоий кўчаси, 5-а уй. Индекс 151505, feres2015asu@inbox.uz fergana_korpus@umail.uz

1.7. Жамият фаолият муддати чекланмаган.

1.8. Жамият ўз Уставдаги мақсадларга эришиш учун битимлар тузиш, мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиш ва мажбуриятлар олиш, судда даъвогар ва жавобгар бўлиш ҳуқуқига эга.

1.9. Жамият ўзининг шўба ва тобе корхоналарга эга бўлиши мумкин. Улар билан жамият ўртасидаги муносабатлар амалдаги қонунлар ва мазкур Устав асосида бошқарилади.

1.10. Жамият томонидан тасдиқланган мазкур Устав асосида жамият филиаллар ва ваколатхонлар ташкил қилиши мумкин. Жамият ташкил қилинган филиаллар ва ваколатхоналар фаолияти устидан тўлиқ жавобгарликни олади. Жамият қуйидаги филиалларга – электр таъминоти корхоналарига эга:

- Олтиариқ ЭТК (электр таъминоти корхонаси) -Олтиариқ тумани, О.Хакимов кучаси 38-уй.
- Қўштепа ЭТК -Қўштепа тумани, Писсоқ қишлоғи.
- Боғдод ЭТК -Боғдод тумани, поселка Серова, Самарканд қишлоғи.
- Бешариқ ЭТК -Бешариқ тумани, Нурчилар кучаси.
- Бувайда ЭТК -Бувайда тумани, Янги кўргон поселкаси, Хамза кучаси.
- Данғара ЭТК -Данғара тумани, Данғара поселкаси Навбахор кучаси 63-уй.
- Кува ЭТК -Кува шаҳри Шокирхон Хокимий кучаси 59-уй.
- Қўқон ЭТК -Қўқон шаҳар Истиклол кучаси 51-уй.
- Қувасой ЭТК -Қувасой шаҳар Темир йул кучаси 176-уй.
- Ўзбекистон ЭТК -Яйпан шаҳри А.Навоий кучаси
- Учкуприк ЭТК -Учкуприк тумани Уроқчи қишлоғи
- Марғилон ЭТК -Марғилон шаҳри Б.Марғилоний кўчаси 454-уй.
- Тошлоқ ЭТК -Тошлоқ тумани Янги йул қишлоғи
- Риштон ЭТК -Риштон шаҳри, Фарғона кучаси 189-уй.
- Фурқат ЭТК -Фурқат тумани Навбахор поселкаси Энергетик кучаси 94-уй
- Фарғона тумани ЭТК -Фарғона тумани, Водил қишлоғи, Чимён кучаси
- Фарғона шаҳар ЭТК -Фарғона шаҳри Б.Марғилоний кўчаси 60-уй.
- Ёзёвон ЭТК -Ёзёвон тумани Андижон кучаси 6-уй.
- Сух ЭТК -Сух тумани Сариканда қишлоғи.
- Киргули ЭТК - Фарғона шаҳри, Дустлик кўчаси 1а-уй.

Филиалларининг фаолият йуналиши Ўзбекистон Республикасининг «Электр энергетика ҳақида»ги Қонунинг 19-моддаси бўйича аниқланади.

Электр таъминоти корхоналари:

-Истемолчининг ўрнатилган тартибда киритган таклифига асосан ҳар ойлик электр энергия истеъмолини шартномавий ҳажмларини шакллантиради;

-Техикавий фойдаланиш қоидалари асосида Ўзининг электр тармоқ хужалигидаги объектларида фойдаланиш ва таъмирлашни ташкиллайди;

-Узларининг электр тармоқлари хужаликлари электр энергиясидаги технологик йўқотишларни қискартириш юзасидан бошқарув техник чора-тадбирларни ишлаб чиқишади ва амалга оширишади.

Электр таъминоти корхоналари Қонунчилик асосида бошқа фаолиятларни ҳам амалга ошириши мумкин.

2 - МОДДА ЮРИДИК МАҚОМИ.

2.1. Жамият юридик шахс ҳисобланади ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилиги ва ушбу Устав асосида олиб боради.

2.2. Жамият шўъба ва тобе жамиятларига эга бўлиши мумкин. Шўъба ёки тобе жамиятлари ва Жамият орасидаги ўзаро муносабатлар амалдаги Қонунчилик ва ушбу Устав билан тартибга солинади.

2.3. Жамият ўзининг мустақил балансига, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқаридаги банкларида ҳисоб ва бошқа рақамларига, ўзининг тўлиқ номи давлат тилида ёзиб кўрсатилган думалок муҳрига эга.

2.4. Жамият ўз номи ёзилган ва жойлашган манзили кўрсатилган тамгалари ва бланкаларига, ўз тимсолига, шунингдек, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига, ҳамда бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

2.5. Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилигига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқларини кўлга киритади.

2.6. Жамият ўз мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасини амалдаги Қонунчилигига асосан даъво қилиниши мумкин бўлган ўзига тегишли барча мол-мулки ва активлари билан жавобгарлик олиб боради.

Жамият Ўзбекистон Республикаси мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди, шунингдек Ўзбекистон Республикаси жамият мажбуриятлари устидан жавобгар бўлмайди.

3 - МОДДА.

ЖАМИЯТНИНГ МАҚСАДИ ВА ФАОЛИЯТ ДОИРАСИ.

3.1. Қуйидагилар жамиятнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- Жамиятнинг асосий мақсадлари давлат иқтисодий манфаатлар, аҳолининг маиший, ижтимоий-маданий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш ва акциядорлар ҳамда жамият меҳнат жамоасининг манфатини қўллаб-қувватлаш меҳнат қилиш йўли билан фойда олишдан иборат бўлиб, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш йўли билан жамоа ва жамият акциядорларининг моддий ва ижтимоий талабларини қондиришга қаратилган.

3.2. “Фарғона ЭТХК” АЖ фаолияти Ўзбекистон Республикаси «Электр энергетика тўғрисида» ги Қонуннинг 18 моддаси билан аниқланади. Жамият қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

Истеъмолчиларга электр энергияни тақсимлайди ва етказиб беради.

Электр тармоқлари ҳудудий корхонаси:

- ягона электр энергия сотувчисидан электр энергияни олади;
- Ўрнатилган тартибда электр таъминоти корхоналарига истеъмолчилар билан шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлишлари учун бош ишончнома беради;

- Истеъмолчиларга электр таъминоти шартномаси асосида электр энергия сотишни амалга оширади;

- электр энергияси учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини таъминлайди;

- электр энергияси сотуви ва истеъмолини ҳисобга олади;

- электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-тарож ҳолатларини аниқлайди, бартараф этади ва олдини олади;

- Истеъмолчиларга электр энергияни етказиб беришдаги хавфсизликни таъминлайди;

- Ўзининг электр тармоқ хужалиги объектларидаги электр энергия сифатини Давлат стандартларида кўрсатилган кўрсаткичларда ушлаб туради;

- Ўзининг электр тармоқ хужалик объектларида техникавий фойдаланиш қоидаларига суянган ҳолда фойдаланиш ва таъмирлашни ташкиллайди;

- Ўзининг электр тармоқ хужалигининг электр энергиядаги технологик йўқотишларни қискартириш юзасидан бошқарув техник чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

- Истеъмолчиларнинг электр энергия истеъмол қиладиган, электр ускуналарни ҳудудий электр тармоқларига ўрнатилган тартибда уланишлари учун техник шартлар беради;

- Ташки иқтисодий фаолият билан шуғулланиш (лицензия билан);

- Чет эл инвестиция иштирокидаги қўшма корхоналарни ташкил этиш ва улар билан шартнома-контрактлар тузиш;

- Амалдаги қонунчиликка мувофиқ экспорт-импорт ишлари билан шуғулланиш;

- Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини кўрсатиш;

-Транспорт ва юк кўтариш механизмлари билан бошқа корхоналарга ва аҳолига хизмат кўрсатиш;

- Электр тармоқлари ҳудудий корхонаси Қонунчилик асосида бошқа фаолиятлар билан ҳам шугулланиши мумкин, ҳамда рухсат (лицензия) талаб қилинадиган фаолиятлар турига кирувчи фаолиятлар билан, Қонунчилик асосида рухсат (лицензия) олингандан сунг ушбу фаолиятлар билан ҳам шугулланиши мумкин.

3.3. Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилигида тақиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга оширишга ҳақлидир шу жумладан:

- Темир бетон ва электромонтаж ускуналарини, металл-конструкцияларни, шу жумладан электр узатиш тармоқлари таянчларини ишлаб чиқариш ва сотиш;

- коммунал ва яшаш учун мўлжалланган объектларни қуриш, таъмир хизматлари кўрсатиш, реконструкция қилиш ва сотиш.

4 - МОДДА ЖАМИЯТНИНГ ХУҚУҚЛАРИ

4.1. Ўз фаолиятини амалга ошириш ва олдида турган вазифаларни ечиш учун Жамият қуйидаги ҳуқуқларига эгадир:

- минтақалараро ҳамкорликни ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
- МДХ ва хорижий мамлакатларнинг корхоналари ва ташкилотлари билан ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларни қилишилган нархлар ва тарифларга асосан сотиш;
- Республика ва ундан ташқари ҳудудларда Кузатув кенгаши қарорига асосан филиаллар, ваколатхоналар, қўшма корхоналар, ишлаб-чиқариш цехлари ва шахобчалари, ҳамда бошқа янги корхоналарни тузиш ва таъсис қилиш;
- ўқув марказлари билан қилишилган ҳолда малакали мутахассисларни тайёрлаш ишларини ўтказиш;
- Кузатув кенгаши қарорига асосан ва қўшма фаолият шартномасига асосланиб Жамият ва унинг филиалларининг фаолиятига чет эл инвестицияларини жалб этиш (шу ҳолда олинган фойданинг тақсимоли шартномада белгиланади);
- Ўзбекистон Республикаси ҳамда ундан ташқари ҳудудларда юридик ва жисмоний шахслар билан барча турдаги битимларни амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўчар ва қўчмас мулкларни, мулкчилик ҳуқуқларни ва интеллектуал мулкни мулк қилиб сотиб олиш ва уларни ижарага бериш;
- Кузатув кенгаши қарорига асосан уюшма, иттифок, консорциум, акциядорлик Жамиятлари ва бирлашмаларига аъзо бўлиш;
- белгиланган тартибда банкларда турли, шунингдек валюта ҳисоб рақамларини очиш, банк кредитлари ва ссудаларини олиш, амалдаги Қонунчилик асосида ҳар қандай тўлов шакллари бериш ва акцептлаш, айирбошлаш (валюта алмаштириш) тартибига асосан ваколатли банклар орқали ўз маблағларини айрибошлаш;
- ўзининг ишлаб-чиқариш ва хўжалик фаолиятини ҳамда ижтимоий ривожлантириш жамғармаларини мустақил режалаштириш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилиги асосида, ҳамда Кузатув кенгашининг қарори асосида, ўз қарамоғидан (балансидан) асосий воситаларни, қарзларни ҳисобдан чиқариш, қарзлар ва бошқа зиёнларини қоплаш;
- Жамият Устави томонидан белгиланган масалаларни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш-техник йўналишидаги маҳсулотлар, хом ашё, материаллар, транспортни сотиб олиш;
- ким-ошди савдоларида, савдо, мусобақаларда қатнашиш;
- хомийлик ва хайрия фаолиятни амалга ошириш;

- Қонунчиликка мувофиқ, ўз ходимлари учун қўшимча иш таътиллари, қисқартирилган иш куни, иш тартиби ва бошқа ижтимоий имтиёзларни ташкил этиш.

5 - МОДДА УСТАВ ФОНДИ

5.1. Жамиятнинг Устав Фонди акциядорлар томонидан қўлга киритилган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим.

5.2. Жамиятнинг Устав фонди **41 439 650 000** (қирк бир миллиард тўрт юз ўттиз туккиз миллион олти юз эллик минг) сўмни ташкил этади. Жамиятнинг Устав фонди хар бирининг номинал қиймати **1 000** (бир минг) сўмдан бўлган **39 367 650** (ўттиз туккиз миллион уч юз олтимиш етти минг олти юз эллик) дона эгаси ёзилган оддий хужжатсиз ва **2 072 000** (икки миллион етмиш икки минг) дона эгаси ёзилган имтиёзли хужжатсиз типдаги акцияларга бўлинган.

5.3. Жамиятнинг устав фондини жамият уставида назарда тутилган миқдорда шакллантиришнинг энг кўп муддати жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

5.4. Устав фондини кўпайтиришда акциялар тўловининг муддати Жамиятнинг Қимматли қоғозлар чиқарилуви давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмаслиги лозим. Жамиятнинг қўшимча акцияларига мазкур акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

5.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш "жамиятнинг нинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз" қондасига мувофиқ ўтказилади, жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари ва Қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳоллар бундан мустасно. Бунда пули тўлиқ тўланган акция овоз беришда ҳисобга олинади.

5.6. Жамиятнинг акцияларига ҳақ тўлаш пул ва тўловнинг бошқа воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда баҳоланадиган ҳуқуқлар (шу жумладан мулкӣ) ҳуқуқлар билан амалга оширилади.

5.7. Жамиятнинг қўшимча акцияларига ушбу акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган жойлаштириш муддати ичида ҳақ тўланиши лозим.

Агар жамиятнинг пулдан ўзга воситалар билан ҳақи тўланаётган акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки юз бараваридан кўпни ташкил этса, жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларининг ҳақи сифатида киритилаётган мол-мулкнинг пулда ифодаланган баҳоси баҳоловчи ташкилот томонидан чиқарилиши зарур.

5.8. Жамиятнинг мулки Жамият акцияларини киритишдан тушган маблағлар, асосий жамгармалар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, Қимматли қоғозлардан олинган даромаддан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида тақиқланмаган бошқа сабабларга кўра қўлга киритилган мол - мулкларидан тузилади.

5.9. Жамият хўжалик ишлари билан боғлиқ зарарларни қоплаш учун акциялар чиқаришга ҳақли эмас.

6 - МОДДА УСТАВ ФОНДИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ.

а) Устав Фондини кўпайтириш.

6.1. Жамиятнинг Устав Фондини ошириш факатгина қўшимча акциялар чиқариш ва жойлаштириш йўли билан амалга оширилади.

6.2. Жамият Устав Фонди миқдорини қўшимча акциялар чиқариш ва жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши ва мазкур Жамият Уставига тегишли ўзгартириш киритиш ҳақидаги қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

6.3. Қўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу Уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.

6.4. Эълон қилинган акцияларнинг энг катта миқдори жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

6.5. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Жамият Устав Фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг миқдори, муддати ва жойлаштириш шарт-шароитлари, шу жумладан, амалдаги Қонунчиликга мувофиқ жойлаштирилаётган акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқларга эга бўлган акциядорлар учун Жамиятнинг қўшимча акцияларини жойлаштириш баҳоси белгиланади. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Устав фондини ошириш тўғрисидаги ҳамда Жамият Уставига тегишли ўзгартириш киритиш ҳақидаги қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

6.6. Жамият Устав жамғармаси миқдорини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ҳақидаги қарорда қўшимча жойлаштириладиган оддий акциялар миқдори, эълон қилинган имтиёзли акциялар миқдори доирасида ҳар бир имтиёзли акция тури (типи) миқдори, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари, шу жумладан амалдаги қонунчиликка кўра, жойлаштирилаётган акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланувчи акциядорлар учун қўшимча акцияларни сотиб олиш нархи белгиланиши шарт.

6.7. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Устав фондини кўпайтириш, жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатга олинади. Бунда эълон қилинган муайян тоифа ва турдаги (типдаги) акцияларнинг миқдори жойлаштирилган ана шу тоифа ва турлардаги (типлардаги) акцияларнинг сонига қисқартирилади.

б) Жамият Устав Фондини камайтириш.

6.8. Жамиятнинг Устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини Жамиятнинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш шarti билан сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин.

6.9. Жамиятнинг устав фондини акцияларнинг бир қисмини сотиб олиш ва муомаладан чиқариш орқали камайтиришга йўл қўйилади.

6.10. Устав фондини камайтириш ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинади.

6.11. Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши Устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

6.12. Устав фондини камайтириш вақтида Жамият тугатилганида назарда тутилладиган акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш шартларига риоя этилиши зарур.

6.13. Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинганидан бошлаб Жамият кечи билан 30 кун ичида бу қарор ҳусусида ўз кредиторларини ёзма равишда хабардор қилади. Кредиторлар Жамиятнинг Устав фондини камайтириш тўғрисида ўзларига хабарнома юборилган санадан эътиборан кечи билан 30 кун ичида Жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин ижро этишни ва Устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

7 - МОДДА

ЧИҚАРИЛАДИГАН АКЦИЯЛАРНИНГ ТУРЛАРИ (ТИПЛАРИ), УЛАРНИНГ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ

7.1. Жамият Қимматли қоғозларини чиқариш, рўйхатга олиш, жойлаштириш ва Қимматли қоғозлар бўйича ҳисоб-китоб тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилиги ва ушбу Устав билан аниқланади.

7.2. Жамият акциялар, облигациялар ва Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилиги билан тақиқланмаган бошқа Қимматли қоғозларни чиқаришга ҳақлидир.

7.3. Жамият акциялари қуйидагилардан ташкил этади:

Жамиятнинг акциялари номинал қиймати **1 000** (бир минг) сўмдан булган **39 367 650** (уттиз тўққиз миллион уч юз олтмиш етти минг олти юз эллик) дона эгаси ёзилган оддий хужжатсиз ва **2 072 000** (икки миллион етмиш икки минг) дона эгаси ёзилган имтиёзли хужжатсиз турдаги (типдаги) жами **41 439 650 000** (қирк бир миллиард турт юз уттиз тўққиз миллион олти юз эллик минг) сўмлик акцияларни ташкил этади.

7.4. Имтиёзли акциялар уларнинг эгасига дивидендлар олишга ва Жамият тугатилганда мол-мулкни тақсимлашда биринчи бўлиб қатнашишда мулк хуқуқини беради.

7.5. Имтиёзли акцияларнинг эгалари Жамият тугатилган тақдирда Жамиятнинг мол мулкни тақсимлашда оддий акцияларнинг эгалари орасида мол мулкни тақсимланишидан олдин ўз акцияларининг номинал қийматини тўлиқ оладилар.

7.6. Тақсимланадиган мол-мулкнинг миқдори акцияларнинг номинал қийматидан юқори бўлган ҳолларда, имтиёзли акцияларнинг эгалари оддий акциялар бўйича олинадиган мол-мулкнинг миқдоригача бўлган қўшимча тўловни олишади.

7.7. Имтиёзли акция эгалари «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғриси»даги Қонуннинг 28-моддасида белгиланган ҳуқуқларга эгадирлар.

7.8. Жамият унинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ зарарларни қоплаш учун акциялар чиқаришга ҳақли эмас.

7.9. Қўшимча акциялар, фақатгина жамиятнинг уставида эълон қилинган қўшимча акциялар сони меъерида жойлаштирилиши мумкин.

7.10. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда, акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади, агар жамият Уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан бундай ҳуқуқ кузатув кенгашига берилган бўлса.

Жамиятнинг қўшимча акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланганидан кам бўлмаган нарх бўйича амалга оширилади.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) ўз капитали ҳисобига қўпайтирган ҳолда жамиятнинг қўшимча акциялари учун тўловни амалга оширишда, шунингдек дивидендларни қўшимча акцияларда тўлаш тўғрисида қарор қилинганда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

7.11. Жамият томонидан акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозлар жойлаштирилган тақдирда эълон қилинган (қўшимча) акцияларнинг сони ушбу қимматли қоғозлар муомалада бўлиши муддати мобайнида айирбошлаш учун зарур миқдордан кам бўлмаслиги лозим.

7.12. Жамият томонидан эркин айирбошланиши мумкин бўлган акциялар берадиган ҳуқуқларни чеклаш ҳақидаги қарорни, ушбу Қимматли қоғозлар эгаларининг розилигисиз қабул қилишга ҳақли эмас.

7.13. Жамият томонидан акциялар ва эмиссиявий қимматли қоғозлар акцияларга айирбошланадиган, ҳақки пул маблағлари билан туланадиган эмиссиявий қимматли қоғозлар жойлаштирилганда, овоз берувчи акцияларнинг эгалари булган акциядорлар уларнинг узига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш ҳуқуқига эга.

8 - МОДДА

ДАРОМАД (ФОЙДА), ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАКСИМЛАШ ВА ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ.

8.1. Жамият фаолияти натижасида олинган фойда амалдаги Қонунчиликда белгиланган тартибда соликлар тўлангандан сўнг, Жамият ихтиёрида қолади ва амалдаги Қонунчиликка ва ушбу Уставга мувофиқ акциялар бўйича дивидендлар тўлашга сарфланади.

8.2. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

Жамият акцияларнинг ҳар бир тури (типи) бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлашга мажбурдир.

8.3. Акциядорлар Жамиятнинг Умумий йиғилиши қарорига биноан дивиденд пул маблағлари ёки бошқа Қонуний тўлов воситалари билан тўланиши мумкин.

Дивиденд, акциядорлар орасида уларга тегишли бўлган акциялар сони ва турига (типи) мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича дивидендларни қимматли қоғозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.

8.4. Жамият:

- Жамият таъсис этилаётганда Устав Фонди тўлиқ тўлаб бўлингунча;
- агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) белгилари бўлса ёки дивидендлар тўлаш натижасида Жамиятда шундай белгилар пайдо бўлса;
- Жамият соф активларининг қиймати унинг Устав ва захира Жамгармалари суммасидан кам бўлса;

акциялар бўйича дивидендлар тўлаш (эълон қилиш) тўғрисида қарор қабул қилишга ва тўлашга ҳақли эмас.

8.5. Акцияларнинг ҳар бир тури (типи) бўйича (биринчи чораги, ярим йиллиги, ва йиллик натижаларига кўра) дивиденд тўлаш, дивиденднинг миқдори ҳамда уни тўлаш шакли тўғрисидаги қарор Жамият кузатув кенгашининг тавсияси асосида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Йиллик дивидендларнинг миқдори Жамият кузатув кенгаши тавсия этган миқдордан кўп ва тўланган оралик дивидендлардан кам бўлиши мумкин эмас.

Йиллик дивидендларни тўлаш санаси шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим. Дивиденд жисмоний шахсларнинг банкдаги ҳисоб-рақамларига утказилганда, банк харажатлари жамият томонидан тулик копланadi.

8.6. Дивидендларни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

8.7. Жамият томонидан чиқариладиган имтиёзли акциялар агар Жамиятнинг тўлашга манбаси бўлса, яъни захира фондида маблағлари бўлса, Жамиятнинг фойда келтиришидан қатъи назар уларнинг номинал қийматидан 25% кам бўлмаган миқдорда ёки умумий йиғилиш қарорига кура оддий акцияларга белгиланган сумма билан тенг миқдорда дивиденд олиш ҳуқуқини беради.

8.8. Дивидендлар тўлаш вақтида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлган тақдирда жамият мазкур акцияларни сақловчиларга дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Жамият рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўлашни суд орқали талаб қилишлари мумкин. Жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаса ёки зарар кўриб ишлаган бўлса, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар ана шу мақсад учун ташкил этилган жамият захира фонди ҳисобидан ва ана шу фонд доирасидагина тўланиши мумкин. Эгаси ёки унинг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри даъво муддати тугаши учун белгиланган муддатларда талаб қилиб олмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига биноан жамият ихтиёрида қолади.

8.9. Ўзбекистон Республикасининг норезидент акциядорлари томонидан олинган дивидендларни эркин алмаштириладиган валютага айирбошлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

9 - МОДДА

ЗАХИРА ВА БОШКА ЖАМГАРМАЛАРНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ.

9.1. Жамият соф фойда хисобидан

- захира Фондини;
- акциядорларнинг Умумий йигилишида аникланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа жамгармаларни тузади.

9.2. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади ва бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

9.3. Захира Фонди Устав Фондининг 15% микдорида тузилади.

9.4. Жамият захира Фондига ушбу Уставнинг 9.3. бандида белгиланган микдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойданинг 5% дан кам бўлмаган микдорида ажратмалар ўтказилади.

9.5. Акциядорлар умумий йигилиши қарори билан ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди ташкил қилиниши мумкин. Мазкур фонд микдори ва унга ажратмалар ўтказиш тартиби акциядорлар умумий йигилиши қарори билан белгиланади.

9.6. Захира Фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалар тикланади.

10 - МОДДА

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

10.1. Акциядорлар қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

- тегишли акциядорлик жамиятининг акциядорлари реестрига киритилиш;
- ўзи ҳақида депозитарийдаги депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- акциядорлик жамияти тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорлик жамиятини бошқаришда умумий йигилишда овоз бериш йули билан иштирок этиш;
- акциядорлик жамиятининг уставига мувофиқ эмитентнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва тўғри ахборот олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- овоз беришда акциядорларнинг биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузиш;
- Амалдаги тартибда кўрган зарарнинг тўланишини талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозлар сотиб олиш вақтида зарар кўриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш ҳуқуқига эга.

Шунингдек акциядорлар ушбу жамият уставида ва амалдаги Қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадирлар.

10.2. Жамиятнинг ҳар бир оддий (одатдаги) акцияси унинг эгаси бўлмиш акциядорга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради.

11 - МОДДА БОШКАРУВ ОРГАНЛАРИ

11.1. Акциядорлик Жамиятини

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Ижро органи (бош директор) бошқаради.

12 - МОДДА АКЦИЯДОРЛАР УМУМЙЙ ЙИГИЛИШИ.

12.1. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши Жамият бошқарувининг олий органидир.

12.2. Жамият ҳар йили акциядорларнинг Умумий йиғилишини (акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилишини) ўтказишга мажбурдир.

12.3. Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилиши ҳар йили молия йили тугагандан кейин кўпи билан олти ой ичида ўтказилади. Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилишида мажбурий равишда жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва Қонунчиликда кўзда тутилган бошқа масалалар кўриб чиқилади.

Акциядорларнинг йиллик йиғилишидан ташқари ўтказиладиган Умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади.

Акциядорлар Умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

12.4. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санаси ва тартиби, акциядорларга уни ўтказиш ҳақида хабар бериш тартиби, акциядорлар умумий йиғилишини ўтказишга тайёрланиш жараёнида акциядорларга тақдим қилинадиган материаллар (информациялар) рўйхати Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

12.5. Акциядорлар Умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига қуйидагилар қиради:

а - жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

б - жамиятни қайта ташкил этиш;

в - жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

г - жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

д - эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

е - жамиятнинг устав фондини кўпайтириш;

ё - жамиятнинг устав фондини камайитириш;

ж - ўз акцияларини олиш;

з - жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ҳамда Корпоратив бошқарув кодексини ва қуйидаги низомларни тасдиқлаш;

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши тугрисидаги низомни.
- Кузатув кенгаши тугрисидаги низомни.
- Тафтиш комиссияси тугрисидаги низомни.
- Ижро органи тугрисидаги низомни.
- Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомни
- Ички назорат тўғрисидаги низомни
- Ахборот сиёсати тўғрисидаги низомни
- Дивиденд сиёсати тўғрисидаги низомни
- Бошқарув ва назорат органларини рағбатлантириш (мукофотлантириш туловлари) тугрисидаги низомни.

и - жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

й - жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

к - жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

л - жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;

м - жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

н - қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

о - жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

п - имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

- акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;

р - «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

с - акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

т - акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

у - жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

ф - қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

х - Тармоқ ва ҳудудни ривожлантириш бўйича тасдиқланган давлат дастурларидан келиб чиққан ҳолда жамиятнинг 5 йилдан ортиқ бўлган давр учун узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

ц) «мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш»;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар умумий йиғилишининг қарори, агар ушбу Устав ва Қонунчиликда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

«а», «б», «в», «д», «л» кичик бандларида назарда тутилган масалалар бўйича қарорлар Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчи овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорлар тўртдан уч қисмининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

12.6. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овозга қўйилган, ҳал қилиш чоғида Жамият оддий ва имтиёзли акцияларининг эгалари бўлмиш акциядорлар овоз ҳуқуқига эга бўладиган масала юзасидан овозларни санаб чиқиш овоз берувчи акцияларнинг барчаси бўйича биргаликда амалга оширилади.

12.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият ижроия органига берилиши мумкин эмас.

12.8. Акциядорлар умумий йиғилишида овозга қўйилган масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқига жамият оддий (одатдаги) акцияларининг эгалари - акциядорлар эгадирлар.

12.9. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин

шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

Жамият акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрига киритилганлиги тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

12.10. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

12.11. Жамият умумий йиғилиш ўтказиш тўғрисида акциядорларни оммавий ахборот воситаларининг бошқа воситалари орқали хабардор қилиши мумкин. (телевидение, радио).

12.12. Акциядорлик жамияти акциядорга ва давлат вакилига билдиришномани мустақил равишда ёхуд жамият ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси ўртасида тегишли хизматлар кўрсатилиши учун тузиладиган шартномага мувофиқ қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси орқали юборишга ҳақли.

Акциядорларга ҳамда давлат вакилига умумий йиғилишни ўтказиш ҳақидаги хабарноманинг муддати ушбу устав бўйича ўрнатилади.

Жамият давлат вакилини ва очиқ акциядорлик жамияти акциядорларини акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида етти кун олдин ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

12.13. Акциядорлар Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар ўз ифодасини топиши лозим:

- жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана;
- умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;
- умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўриладиганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни ва давлат вакилини таништириш тартиби.

12.14. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг ҳулосаси, жамият кузатув кенгашининг яккабошчилик асосидаги ижроия органи билан, коллегиял ижроия органининг аъзолари, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳулосаси, жамият кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчилигига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, жамият уставига киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳаси ёхуд жамиятнинг янги таҳрирдаги устав лойиҳаси киради.

12.15. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши мажбурий бўлган қўшимча ахборот (материаллар) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгилаб қўйилиши мумкин.

12.16. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 90 кундан кечиктирмай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

12.17. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабабларини, масалани таклиф этаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) номини, унга тегишли акцияларнинг сони ва турини (типи) кўрсатган ҳолда ёзма равишда киритилади.

12.18. Жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзодлар кўрсатиш, шу жумладан ўзининг номзодини кўрсатиш тўғрисида таклиф киритилганда номзоднинг исми, башарти номзод жамият акциядори бўлса, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (типи), шунингдек номзодни кўрсатган акциядорларнинг исми, уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури (типи) кўрсатилади.

12.19. Жамиятнинг Кузатув кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда муддат тугаганидан сўнг узоғи билан 10 кун ичида уларни акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт. Акциядор (акциядорлар) киритган масала акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига, шунингдек кўрсатилган номзодлар Жамият Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясига сайлов юзасидан овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши шарт, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- акциядор (акциядорлар) 12.16. бандида белгиланган муддатга риоя этмаган бўлса;
- акциядор (акциядорлар) 12.16. бандида назарда тутилган микдордаги Жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
- 12.17. бандларида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;
- таклифлар Қонунчилик талабларига мувофиқ бўлмаса.

12.20. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги асослантирилган қарори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

12.21. Акциядорлар умумий йиғилишида қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари Қонунчиликда ва жамият уставида назарда тутилган тартиб ҳамда муддатларда акциядорлар эътиборига етказилади. Агар акциядор узрли сабабларга кўра акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этмаган ёки бундай қарор қабул қилинишига қарши овоз берган бўлса, у акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинган қарор устидан судга шикоят қилишга ҳақлидир.

12.22. Жамият кузатув кенгашининг масалани акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига ёки номзодни жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига сайлов юзасидан овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

12.23. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

12.24. Жамият тафтиш комиссиясининг ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш ҳақидаги талаб тақдим этилган пайтдан эътиборан узоғи билан 30 кун ичида амалга оширади.

12.25. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабабини кўрсатган ҳолда таърифлаб берилмоғи лозим.

12.26. Жамият кузатув кенгаши жамият тафтиш комиссиясининг ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида ўн фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

12.27. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш талаби акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда бу талабда умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми (номи), унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (типи) кўрсатилган бўлиши лозим.

12.28. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш талабномаси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

12.29. Жамият тафтиш комиссияси ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) навбатдан ташқари умумий йиғилишни чақириш тўғрисида талабнома тақдим этган санадан бошлаб 10 кун ичида жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши лозим.

12.30. Жамият Тафтиш комиссиясининг ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилиниши мумкин, башарти:

- акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) Қонунчиликда назарда тутилган микдордаги Жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
- Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан биронтаси ҳам унинг ваколатларига кирмаса;
- кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала Қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлмаса.

12.31. Жамият Кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисидаги қарори ёки бундай йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақидаги далил-исботли қарори қабул қилинган пайт дан эътиборан узоғи билан уч иш кун ичида йиғилиш чақиришни талаб қилган шахсларга юборилади.

12.32. Жамият Кузатув кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

12.33. Жамият Кузатув кенгаши ушбу уставда белгиланган муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилмаган бўлса ёки уни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган бўлса, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши уни чақиришни талаб қилган шахслар томонидан чақирилиши мумкин ва бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик қўриш билан боғлиқ харажатлар акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан Жамиятнинг маблағлари ҳисобидан копланиши мумкин.

12.34. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тамом бўлган пайтга келиб, Жамиятнинг тарқатилган ва жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворум тўплаган) ҳисобланади.

12.35. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг янги умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг янги умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибига ўзгартишлар киритишга йўл қўйилмайди.

12.36. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йиғилиши ўрнига чақирилган такрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг такрорий умумий йиғилиши ваколатли бўлади.

12.37. Акциядорларнинг янги умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш Қонунчиликда назарда тутилган тарзда йиғилиш ўтказиладиган санага камида 7 кун колганида амалга оширилади.

12.38. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 кундан кам муддатга қўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатига мувофиқ аникланади.

12.39. Акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш "жамиятнинг овоз берувчи битта акцияси - битта овоз" қондасига мувофик ўтказилади, жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари ва Қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳоллар бундан мустасно.

12.40. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;
- жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
- умумий йиғилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;
- умумий йиғилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йиғилиш кун тартиби кўрсатилади.

12.41. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида нутқларнинг асосий мазмуни, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш натижалари, йиғилиш қабул қилган қарорлар акс эттирилиши лозим.

13 - МОДДА ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

13.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолияти устидан умумий раҳбарликни амалга оширади, Қонунчилик билан акциядорлар Умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

«Энг муҳим масалаларни кўриб чиқиш ва жамиятнинг кузатув кенгашига тавсиялар тайёрлаш учун кузатув кенгаши аъзолари орасидан қўмиталар ташкил этилиши мумкин.

Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамият фақат мазкур жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан таркиб топган аудит қўмитасини ташкил этиши шарт. Жамиятнинг ички аудит хизмати, агар бундай хизмат мавжуд бўлса, ўз фаолиятида аудит қўмитасига ҳисобдордир.

Қўмиталарни шакллантириш ва уларнинг ишлаш тартиби, сони ва таркиби жамиятнинг кузатув кенгаши тўғрисидаги низомда белгиланади».

13.2. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 1 йил муддатга сайланган 9 (тўққиз) аъзодан иборатдир. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

13.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

13.4. Жамият Кузатув Кенгаши ваколатларига қуйидагилар қиради:

- Жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чоратadbирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш, ижроия органи, ички назорат органи, коллегиял органлар фаолиятини мувофиқлаштиради, зарур бўлганда, жамиятнинг ривожланиш режасини ишлаб чиқишни ташкил этиш ва унда белгиланган мақсадларга эришиш мониторинги учун экспертларни жалб этади, манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ низоли вазиятларни ҳал этиш учун кумита (ишчи гуруҳ) тузиш, ёки манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш бўйича ваколатни кузатув кенгашининг мустақил аъзосига юклаш;

- жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари Умумий йиғилишларини чақириш, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 65-моддаси ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

- Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибини тайёрлаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
 - акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
 - жамиятнинг бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
 - корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш;
 - жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш ва тасдиқлаш, бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;
 - ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;
 - жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
 - аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;
 - дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
 - жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
 - жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;
 - жамиятнинг шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятларини ташкил этиш;
 - Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;
 - жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
 - жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - жамият бош директори ваколатини муддатидан аввал тухтатиш;
 - жамият томонидан битим суммасидан катъий назар, Қимматли қоғозлар, бошқа жамиятларни устав фондидаги ҳуқуқлар юзасидан корпоратив ҳаракатларни амалга ошириш (пай, улуш, акция ва бошқалар) тухтатиш ва узгартириш борасида хатти ҳаракатлар билан боғлиқ битимларни тузиш ва операциялар учун олдиндан розилик бериш;
 - жамият томонидан битим суммаси, мол-мулк қийматидан катъий назар, мол-мулк, бошқа кучмас мулк юзасидан ҳаракатларни амалга ошириш (ер участкалари) тухтатиш ва узгартириш борасида битимларни тузиш, сотиш сотиб олиш, кучмас мулкка эғалик ҳуқуқини расмийлаштириш еки ундан воз кечиш (ижара ва фойдаланиш ҳуқуқи) учун олдиндан розилик бериш;
 - жамият томонидан битга битим суммаси тузиш санасига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси буйича 50000 АҚШ доллари эквивалентида ва/еки шунга ухшаш битимларни суммаси бир йил давомида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси буйича 200 000 АҚШ доллари эквивалентидан ошган кредит, ссуда, кафиллик, гарант шартномалари тузиш еки бериш, ҳамда кредит мажбуриятларини олиш учун олдиндан розилик бериш;
 - жамият томонидан бепул мол-мулкни бериш, бепул хизматлар курсатиш ва бепул молиявий ердам бериш еки хайрия ердами курсатиш учун олдиндан розилик бериш;

жамият томонидан ушбу уставнинг 13.4. бандида курсатиб утилмаган бошқа битимларни тузиш (электр энергияни олди-сотти қилиш битими бундан мустасно), битим тузиш санасига битим суммасининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси буйича 100 000 АКШ доллари эквивалентида битимларни тузиш, тухтатиш еки ўзгартириш учун олдиндан розилик бериш;

- ВМК нинг 28.07.2015й да №207 «Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида»ги низомнинг иловасига мувофиқ жамиятнинг йиллик самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларини тасдиқлаш.

- корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни учун, танлов асосида мустақил ташкилотни танлаш ва тасдиқлаш.

- ҳомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини акциядорларнинг умумий йигилиш қарори ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирадагина белгилаш, кейинчалик ушбу тартибни жамиятнинг веб сайтида жойлаштирган ҳолда.

- Тегишли масалалар буйича кузатув кенгаши қошида кумита (ишчи гуруҳ) ташкил қилиш.

Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

13.5. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

13.6. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланишлари чекланмайди.

13.7. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолари бўлиб, Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар, шунингдек Жамиятнинг ижро этувчи органи аъзолари бўлолмайдилар.

13.8. Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар жамиятнинг устави ёки акциядорлар умумий йигилиши тасдиқлаган қарор билан белгилаб қўйилади.

13.9. Акциядор ўзига тегишли акциялар бўйича овозларни Жамият Кузатув кенгашининг битта номзодига тўлиқ беришга ёки бир нечта номзод ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

13.10. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

13.11. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли бўлган овозлар сони жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тарзда олинган овозларни тўлиқ бир номзодга беришга ёки овозларни икки ёки ундан кўп номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

13.12. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан $\frac{3}{4}$ овоз билан сайланади.

13.13. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ўз Раисини Кузатув кенгаши жами аъзоларининг $\frac{3}{4}$ овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

13.14. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорлар умумий йигилишида раислик қилади.

13.15. Жамият Кузатув кенгашининг раиси йўқлигида унинг вазифасини Кузатув кенгаши аъзоларидан бири бажариб туради.

13.16. Жамият Кузатув Кенгашининг мажлиси Кузатув Кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббуси билан, Жамиятнинг Кузатув кенгашининг аъзоси, Тафтиш комиссияси ёки аудитори, ижроия органининг талабига биноан чакирилади. Худди шундай овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг кузатув кенгаши йигилишини чакиришни талаб қилишга ҳақли.

Кузатув кенгаши аъзоларига кузатув кенгаши мажлиси утказилиши тўғрисидаги хабарнома уни утказилишидан камида етти кун олдин жунатилади. Кузатув кенгаши мажлиси утказилиши тўғрисидаги хабарнома кузатув кенгаши раиси томонидан кузатув кенгаши аъзолари такдим этган электрон почта манзилига юборилади. Кузатув кенгаши мажлиси утказилиши тўғрисидаги хабарнома билан бирга кун тартибидagi куриладиган масалалар буйича ахборотларни юбориши шарт.

13.17. Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Кузатув кенгаши аъзоларининг сони уставда назарда тутилган микдорнинг етмиш беш фоизидан кам бўлиб колса, Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакириши шарт. Кузатув кенгашининг колган аъзолари акциядорларнинг ана шундай навбатдан ташқари умумий йигилишини чакириш тўғрисидаги қарорни, ҳамда ижроия органи рахбари ваколоти тухтатилганда, ижроия органи вазифасини вақтинча бажарувчи этиб тайинлаш ҳақидаги қарорларни қабул қилишга ҳақлидир.

13.18. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, мажлисда хозир бўлганларнинг $\frac{3}{4}$ овози билан қабул қилинади (агар Қонунчиликда қарор қабул қилиш учун купрок овоз бериш кузда тутилмаган бўлса). Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар хал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йигилишини чакириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

13.19. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашининг бошка аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

Жамият кузатув кенгаши томонидан давлат вакили иштирокисиз қабул қилинган қарорлар, шунингдек вето қўйилган қарорлар ижро этилмайди.

13.20. Ушбу Уставда Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлинган ҳолларда Кузатув кенгашининг қарорини қабул қилишда Жамият Кузатув кенгаши раисининг хал қилувчи овоз ҳукуқи назарда тутилган.

13.21. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда хозир бўлган шахслар;
- мажлисининг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

13.22. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлисининг баённомаси тўғрилиги учун жавобгардир.

13.23. Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамият кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши керак, ушбу аъзо ҳар йили қайта сайланиши мумкин. Бунда давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмасининг улуши устун бўлган жамиятларда номзод кўрсатиш ҳамда кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўйича овоз бериш давлат ва (ёки) хўжалик бирлашмасининг вакиллари томонидан амалга оширилади.

Қуйидаги шахс кузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб эътироф этилади:

сўнгги уч йил мобайнида жамиятда ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларида ишламаган шахс;

жамиятнинг акциядори ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлмаган шахс;

жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлмаган шахс. Бунда қайси мижоз ва етказиб берувчи билан энг кам иш ҳақининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўшалар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

жамият ва (ёки) унинг аффилланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлмаган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳоллар мустасно;

жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олувчиси), фарзанди (фарзандликка олинган боласи), туғишган ва ўғай акаси (укаси) ҳамда опаси (синглиси) бўлмаган шахс; давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлмаган шахс»;

14 - МОДДА

ЖАМИЯТНИНГ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИ

14.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати Жамият Бош директори томонидан амалга оширилади.

14.2. Жамият Бош директори қонун ҳужжатлари, ушбу Устав ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Ижроия органи (Бош директор) тўғрисида"ги низом асосида иш юритади.

14.3. Жамият Бош директорининг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатларига ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

14.4. Жамият Бош директори Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

14.5. Жамият Бош директорининг ваколатига қуйидагилар киради:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг ижро этилишини ташкил этади;

Жамият Кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун Жамият ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини ўрнатилган тартибда киритади;

Акциядорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ахборотни олиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш, дивидендлар тўлови бўйича барча ҳуқуқларига амал қилинишини таъминлайди;

Жамият мол-мулки ва пул маблағларини қонун ҳужжатларида ва Жамият ички меъёрий ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тасарруф қилади;

Жамият номидан қонунларда, жамият Уставида ва жамиятнинг ички тартиб қоидаларида назарда тутилган чеклашларга риоя этган ҳолда шартномалар, контрактлар ва бошқа битимлар тузади;

Жамият номидан ишончномалар беради;

Ўзбекистон Республикаси банкларида ҳисоб рақами ва бошқа ҳисобларни очади.

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

Давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

Штатларни тасдиқлайди, уларни малакали кадрлар билан тўлиқлигини таъминлайди,

ходимлар билан меҳнат шартномалари(контрактлар) тузади ва уларни тугатиш (бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилади;

Бош директор, директорлари (директор уринбосарлари) ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Жамият фаолиятига оид масалаларни ҳал қилишда уларнинг ваколатларини белгилайди;

Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди;

Жамиятнинг барча мансабдор шахслари ва ходимлари бажариши шарт бўлган буйруқлар, фармойишлар, кўрсатмаларни чиқаради, шунингдек ўзининг ваколати доирасига кирувчи масалаларга оид йўриқномалар ва бошқа ички ҳужжатларни тасдиқлайди;

Жамият бошқармалари ва таркибий бўлинмалари низомларини тасдиқлайди;

Жамият ходимларига нисбатан амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган интизомий жазо чораларини қўллайди;

Ходимларни мукофотлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлайди, лавозим иш ҳақлари, уларга устамаларни, турли қўшимча тўловларни белгилайди, Жамият ходимларини рағбатлантиради, шунингдек, жамият ходимларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида компенсация тўловларини ўрнатади;

Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари лойиҳасини ишлаб чиқишни таъминлайди;

Жамият фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқаради;

Маркетинг тадқиқотларни ўтказишни таъминлайди;

Жамиятда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ишларни ташкил қилади;

Жамиятнинг бизнес-режаларини ишлаб чиқишни таъминлайди;

Жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқаради;

Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқишни таъминлайди;

Жамиятнинг хайрия ва бошқа бегараз ёрдам кўрсатишга доир йиллик харажатлари ўтган йил учун олинган соф фойданинг 10 фоизидан ортмаслигини ва бу ишни ўтган ҳисобот йили учун жамиятнинг соф фойда қисми бўйича бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилган тақдирдагина амалга ошириш тартибига амал қилинишини таъминлайди;

Қонун ҳужжатлари, ушбу Устав ва акциядорларнинг умумий йиғилиги томонидан тасдиқланадиган «Ижроия органи (Бош директор) тўғрисида»ги низомга мувофиқ Бош директор ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳал қилиш.

14.6. Бош директор қуйидагиларга ҳақли:

Ўз ваколатига тегишли масалалар бўйича мустақил равишда қарорлар қабул қилади;

Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, бошқа ташкилотлар ва органлар билан ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалайди;

Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларида лавозимга эга бўлиши мумкин;

Мукофотлар олиши мумкин;

Бош директор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14.7. Бош директор мажбуриятлари:

Жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиш;

Ўз мажбуриятларини у билан тузилган меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ тегишли тарзда бажариш;

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини назорат қилиш;

Жамиятнинг йиллик бизнес-режаси кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш;

Жамият Кузатув кенгаши ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши олдида ҳисобот бериш;

Акциядорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ахборотларни олиш, акциядорларнинг умумий йиғилишларида иштирок этиш, дивидендлар ҳисоблаш ва тўлаш бўйича барча ҳуқуқларига риоя этилишини назорат қилиш;

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамият фаолияти тўғрисидаги ахборотни тегишли тарзда ошкор этилишини назорат қилиш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этилишини таъминлайди;

Жамият таркибий тузилмаларининг самарали ҳамкорлик юритишини таъминлаш;

Жамият шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга йиллик ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

Давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг сақланишини таъминлаш;

Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни ошкор қилмаслик;

Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўриш; қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ масалаларнинг ҳал этилишини таъминлаш;

Жамият фаолиятида қонун ҳужжатлари, ушбу Устав, «Ижроия органи (Бош директор тўғрисида)»ги Низом ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

Бош директор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга эга бўлиши мумкин.

14.8. Жамият Бош директори ҳар чоракда Жамият Кузатув кенгаши олдида Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан ҳисобот беради.

14.9. Жамият Бош директори Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида молия йили яқунларига кўра Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот беради.

14.10. Жамиятнинг Бош директорини тайинлаш, унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра амалга оширилади.

14.11. Жамиятнинг кузатув кенгаш томонидан тасдиқланган “акциядорлик жамиятнинг ижро органига номзодларини саралаш тугрисида” ги хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкинлиги кузда тутилган регламент (низом) асосида Кузатув кенгаши томонидан аниқланган ва сараланган энг яхши номзодлар таклифига асосан жамиятнинг Бош директорини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида қарор қабул қилиш.

14.12. Жамият Бош директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча қонун ҳужжатларида, Жамият Уставида, Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Ижроия органи (Бош директор) тўғрисида”ги низомда ҳамда у Жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома Жамият номидан Жамият Кузатув кенгашининг раиси ёки Кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамиятнинг Бош директори билан тузиладиган шартномада унинг Жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

14.13. Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг Бош директори билан тузилган шартномани, агар у Жамият Уставини кўпол тарзда бузса ёки унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

14.14. Жамиятнинг Бош директорига тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланади.

14.15. Жамиятнинг Бош директорини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида қарор қабул қилиш хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида амалга оширилади.

15 - МОДДА **ТАФТИШ КОМИССИЯСИ**

15.1 Жамият молия-хўжалик фаолиятининг назоратини амалга ошириш учун, акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан 3 кишидан иборат бўлган 1 йил муддатга, Жамиятнинг мазкур Уставига мувофиқ Тафтиш комиссиясини сайлайди.

Жамият Тафтиш комиссияси аъзолари бўлиб, Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт бўйича) бўйича ишлаётган шахслар бўла олмайдилар.

15.2. Жамият Тафтиш комиссиясининг ваколатлари ва фаолият тартиби Қонунчилик, Жамиятнинг ушбу Устави, ички ҳужжатлар ва амалдаги Қонунчилик билан белгиланади.

15.3. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг), акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича амалга оширилади.

15.4. Хисобот йилдаги Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятининг текшируви Кузатув кенгаши тасдиқлаган мустақил аудитор томонидан амалга оширилади.

15.5. Жамият Тафтиш комиссиясининг талабига биноан Жамиятнинг Бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни Тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

15.6. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси, амалдаги Қонунчиликка мувофиқ, акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

15.7. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатлари :

- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва унинг якунларига кўра хулоса тузиш;
- жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда жамият кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқиш;
- жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига киритиш;
- Амалдаги қонунчиликда белгиланган тартиб бўйича ва “Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низомда ички низомда белгиланган ваколатларга.

15.8. Жамият Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Кузатув кенгашининг аъзолари бўлиши, шунингдек Жамиятнинг бошқарув органларида бошқа мансабларни эгаллашлари мумкин эмас.

16 – МОДДА **ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ВА КОРПОРАТИВ МАСЛАХАТЧИ**

16.1. Активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга

риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан конун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Жамиятнинг ички аудит хизмати булими ички назоратни, шу жумладан, 50% дан зиёд улуши жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини, агар қонунда ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

16.2. Жамиятда корпоратив қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилишга масъул бўлган ва кузатув кенгашига ҳисобот берувчи корпоратив маслаҳатчи лавозимини жорий этилади.

16.3. Корпоратив маслаҳатчи жамиятнинг олий бошқарув органи томонидан қонун ҳужжатларига, ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, корпоратив бошқарув тамойилларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, корпоратив бошқариш юзасидан конун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши бўйича маслаҳат ва тавсияларни беради.

16.4. Жамият корпоратив маслаҳатчиси ўз иш фаолиятини амалдаги Қонун ҳужжатлари асосида олиб боради.

17 - МОДДА

Жамиятнинг миноритар акциядорлари қўмитаси

17.1. Миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамиятда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

17.2. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар жамиятга жамият кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.

17.3. Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлашда акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлган ва жамият кузатув кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёхуд акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йиғилишида кузатув кенгашига номзодлари сайланмаган акциядорлар иштирок этади.

17.4. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига жамиятнинг бош директори, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчиси этиб) сайланган шахслар кириши мумкин эмас.

17.5 Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколатига қуйидагилар киради:

акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамиятнинг кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

миноритар акциядорларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ мурожаатларини кўриб чиқиш;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида мурожаатлар киритиш;

қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш..

17.6. Миноритар акциядорлар қўмитасининг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Миноритар акциядорлар қўмитасининг мажлислари унинг миқдор таркибига сайланган шахсларнинг камида тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатлидир.

17.7. Миноритар акциядорлар қўмитаси аъзоларининг сони 5 (беш) кишидан иборатдир.

17.8. Миноритар акциядорларнинг кўмитаси қабул қилинган қарорлар тўғрисида ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот беради.


17.9. Миноритар акциядорлар кўмитасининг раиси ушбу кўмита таркибидан миноритар акциядорлар кўмитасининг аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланади.

17.10. Миноритар акциядорлар кўмитасининг раиси миноритар акциядорлар кўмитасининг ваколат доирасига киритилган барча масалалар бўйича жамиятнинг ҳужжатларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

17.11. Миноритар акциядорлар кўмитасининг фаолият кўрсатиш тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

17.12. Миноритар акциядорлар кўмитаси жамиятнинг хўжалик фаолиятига аралашушга ҳақли эмас.

17.13. Миноритар акциядорлар кўмитасининг фаолиятига жамият кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг аралашувиغا йўл қўйилмайди.

«Фарғона ҳудудий электр тармоклари корхонаси» АЖ, акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши раиси, «Фарғона ҳудудий электр тармоклари корхонаси» АЖ устав капиталидаги 51% улуш эгаси ҳисобланган «Ҳудудий электр тармоклари» АЖ вакили **Исаков Д.А.** 

«Фарғона ҳудудий электр тармоклари корхонаси» АЖ, акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши котиби, «Фарғона ҳудудий электр тармоклари корхонаси» АЖ нинг устав капиталидаги 44% улуш эгалари ҳисобланган чет эл компанияларнинг (MOLGO ENTERPRISES LIMITED, APOMNIA TRADING LIMITED, TRUSORCE ENTERPRISES LIMITED) вакили **Кравец А.** 




Акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши раиси
«Фаргона худудий электр тармоқлари корхонаси» АЖ



ИСАКОВ Д.А.

Акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши котиби
«Фаргона худудий электр тармоқлари корхонаси» АЖ



КРАВЕЦ А.

